



«Тасдиқлайман»

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

И.О.Сейдеметов

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси “Жартепа”  
чегара божхона постида ўрнатиладиган тараंगा қарши  
механик мудофаа иншоотини ўрнатиш  
Хариди учун

Тузди: Моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи

У.Ходжаев

**БУЮРТМАЧИ: Самарқанд вилояти божхона  
бошқармаси**

Самарқанд – 2022 й.

## ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ

Танлов моҳияти	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси “Жартепа” чегара божхона постида ўрнатиладиган таранга қарши механик мудофаа иншоотини ўрнатиш
Хар бир товар (иш, хизмат) харид тартиб-тамоилларининг алоҳида бирлиги каби кўриб чиқилади	Йўқ, лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	2022 йил III чорак
Савдолар ўтказиладиган ой	Сентябр 2022 й.
Молиялаштириш манбаи	ДБК махсус фонди
Бошланғич нархи	<b>189 333 333 сўм ҚҚС билан</b>
Танлов таклифини таъминлаш суммаси	<b>1 893 333,33 сўм (1%)</b>
Тўлов шартлари	1. Буюртмачи Пудратчига шартнома суммасининг 30% миқдорида аванс тўловини 15 кун ичида тўлаш шarti билан ўтказди. 2. Якуний тўлов бажарилган ишлар қабул қилингандан кейин амалга оширилади.
Тўлов валютаси	UZS
Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар	Шартнома шартлари асосида
Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати (кунларда кўрсатилади)	30 календарь кун
Таклифни расмийлаштириш шакли	Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси учун Йўриқномасининг 7-бўлимига биноан
Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлаб олишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, танлов асосида харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин
Таклифлар бериш муддати	5 иш куни
Масъул хизмат, боғланиш учун шахс, телефон, эл. почта	Ходжаев У 66-230-42-42

### I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Ушбу энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ–684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун).
- 1.2 Энг яхши таклифларни танлаб олиш моҳияти: Самарқанд вилояти божхона бошқармаси “Жартепа” чегара божхона постида ўрнатиладиган таранга қарши механик мудофаа иншоотини ўрнатиш

- 1.3 Харидни амалга ошириш учун асос: (лойихани амалга ошириш): Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги "Божхона маъмуриятчилигини янада таққиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПФ-122-сон Фармони 1-иловаси 17-банди
- 1.4 Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг бошланғич нархи: **189 333 333 сўм ҚҚС билан.**  
Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифида қўрсатилган нархлар энг яхши таклифларни танлаб олишнинг бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
- 1.5 Ушбу харид хужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:  
**Аванс тўлови** – буюртмачи ва харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчиси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўланадиган молиявий маблағлар, шу жумладан оператор комиссияси ва томонларнинг депозити;  
**Таклифни таъминлаш** – миқдорнинг илтимосига биноан гаров, кафиллик, депозит шаклида ёки қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа усулда иштирокчи томонидан тақдим этилган таклифларнинг ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;  
**Электрон давлат харидлари тизимининг оператори** (кейинги ўринларда оператор деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган давлат харидларининг электрон тизимларида харид тартиб-тамоилларини ўтказиш билан боғлиқ давлат харидлари субъектларига хизматлар қўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;  
**Шахсий кабинет** – махсус ахборот порталидаги шахсий саҳифа, у орқали давлат харидлари субъектларига электрон давлат харидларида қатнашиш имконияти, шунингдек зарур маълумотларни жойлаштириш ёки олиш;  
**Хисоб-китоб палатаси** (кейинги ўринларда ХКП деб юритилади) – ўзларининг аванс тўловларини депозитга қўйиш ва хисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлган иштирокчиларга электрон харидлардан фойдаланиш имкониятларини берувчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;  
**Электрон давлат харидлари тизими** (кейинги ўринларда электрон тизим деб юритилади) – давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини, электрон давлат харидларини амалга ошириш жараёнида харид тартиб-тамоилларини ўтказишни таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник ечимларнинг дастурий ва таъминот мажмуаси;

**Электрон давлат харидлари** – ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган холда давлат харидлари субъектлари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари шакли;

- |          |   |     |   |
|----------|---|-----|---|
| <b>2</b> | <b>Электрон энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчилари</b> | 2.1 | Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмачиси: Самарқанд вилояти божхона бошқармаси танловнинг Буюртмачиси (бундан буён-Буюртмачи) хисобланади. «Буюртмачи»нинг манзили: 110100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш, Бустонсарой кўчаси, 85А. «Буюртмачи»нинг реквизитлари: ИНН 202094114, ОКЭД 84119, МФО 00401   |
|          |   | 2.2 | Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг ўтказилиши учун жавобгар шахслар (Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилишини ташкил қилиш бўйича ишчи орган) – Моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи. Ижрочи: Ходжаев У. Манзил: 110100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш, Бустонсарой кўчаси, 85А. Телефон: 66-230-42-42<br>Электрон манзил: samarqand@customs.uz  |
|          |   | 2.3 | Шартнома эгаси: Самарқанд вилояти божхона бошқармаси  |
|          |   | 2.4 | Энг яхши таклифларни танлаб олиш Буюртмачи томонидан ташкил этилган, таркибида камида ўн бир кишидан иборат бўлган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.   |
| <b>3</b> | <b>Электрон энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари</b>  | 3.1 | Электрон энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси (кейинги ўринларда иштирокчи деб юритилади) давлат харидлари бўйича иштирокчи сифатида, электрон танловда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.  |
|          |   | 3.2 | Иштирокчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: <ul style="list-style-type: none"><li>- қонун ҳужжатларида белгиланган доирада давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш;</li><li>- алоҳида давлат харидларини амалга ошириш тартиби, талаблари ва шартлари бўйича тушунтиришлар олиш учун Буюртмачига ёки ихтисослашган ташкилотга сўровномалар юбориш;</li><li>- танлов ҳужжатлари устидан давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш комиссиясига шикоят қилиш;</li><li>- қонун асосида таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш.</li></ul> |
|          |   | 3.3 | Иштирокчи мажбур: <ul style="list-style-type: none"><li>- давлат харидлари бўйича қонуний талабларга риоя қилиш;</li><li>- танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиш ва тақдим</li></ul>   |

этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлиш;

- асосий бенефициар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;

- ғолиб деб топилган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда Буюртмачи билан шартнома тузиш.

- иштирокчи ва унга боғланган шахс битта энг яхши таклифларни танлаб олиш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

3.4 Иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.

3.5 Иштирокчи давлат харидининг ижросиси деб эътироф этилган тақдирда:

- энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби деб расман эълон қилинган кундан бошлаб икки кун ичида маълумотларни ошкор қилиш, яъни акцияларининг (улушларининг) 25 ёки ундан ортиқ фоизга бевосита ёки билвосита эгалик қилиш йўли билан самарали назоратга эга бўлган якуний бенефициарлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни давлат харидлари тўғрисидаги махсус ахборот порталида жойлаштириш орқали;

- доимий равишда ўз веб-сайтида ва махсус ахборот порталида энг яхши таклифларни танлаб олиш савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш.

#### **4 Электрон энг яхши таклифларни танлаб олиш қатнашичга рухсат бериш**

4.1 Мижозлар ва иштирокчиларни қабул қилиш, электрон танловда улар ХКПдаги шахсий ҳисобларига олдиндан тўловларни амалга оширгандан сўнг тақдим этилади.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон танловда электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда-ЭРИ) ёрдамида электрон танловда иштирок этадилар. Мижозлар ва иштирокчилар томонидан ЭРИдан фойдаланиш электрон тизимда тузилган шартноманинг ҳақиқийлигини тан олиш учун асос ҳисобланади

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда амалга оширади:

- ҳар бир лот бўйича амалга оширилган аванс тўлови миқдорига мувофиқ электрон харидларга рухсат бериш;

- электрон харидларни амалга ошириш;

-электрон харидлар натижалари бўйича пудратчини аниқлаш;

-битимни расмийлаштириш ва шартномани шакллантириш.

4.4 Иштирокчиларни қабул қилиш порталда

иштирокчининг электрон шаклдаги аризани тўлдириши орқали амалга оширилади.

Иштирокчилар уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқлиги орқали қабул қилинади:

- шартнома тузиш ҳуқуқи;
- солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг йўқлиги;
- уларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамоилларининг мавжуд эмаслиги;
- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар тўғрисида ёзувнинг йўқлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИнинг мавжудлиги иштирокчининг шартнома тузиш учун мувофиқлигини белгилайди.

Иштирокчи аризаси орқали унга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамоиллари мавжуд эмаслиги, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи ариза шаклини тўлдиргандан сўнг, электрон тизим виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини текширади, унда ижрочи ҳақида ёзув мавжуд эмаслигини аниқлайди.

Оператор:

- ХКП иштирокчилари учун алоҳида шахсий ҳисобварақлар очади;
- иштирокчилар учун шахсий ҳисобларни яратади.

**5 Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш ва таклифни таъминлашни тақдим этиш тартиби**

5.1 Таклифни таъминлаш тартиби, шу жумладан, танлов иштирокчисининг қайтариб бўлмайдиган таклифини қафолатловчи нақд депозитнинг миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби электрон давлат харидлари тартиб-тамоилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Таклифни таъминлаш тартиби, шу жумладан, танлов иштирокчисининг қайтариб бўлмайдиган таклифини қафолатловчи нақд депозитнинг миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби электрон давлат харидлари тартиб-тамоилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

5.2 Иштирокчи электрон энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш учун:

- махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни тўлдиради (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа рақамлари). Якка тартибдаги тадбиркор ва резидент тизимда фақат электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади;
- ХКПда рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, иштирокчи учун шахсий ҳисоб очилади.
- Иштирокчилар электрон давлат харидларида ХКПдаги

шахсий хисоб варақларида олдиндан тўлов етарли миқдорда бўлган тақдирда иштирок этадилар

- танлов шартлари билан батафсил танишгандан сўнг, иштирокчи электрон танловда иштирок этиш учун ариза беради ва «Умумий маълумот» саҳифасида, «Тўловлар ва буюмлар», «Талаблар» бўлимларида керакли маълумотларни тўлдиради.

Агар «Талаблар» бўлимига маълумот киритиш вақтида етказиб берувчидан хар қандай сўров бўйича тасдиқловчи хужжат тақдим этиш сўралган бўлса, ушбу хужжат файл сифатида юкланиши керак.

5.3 Электрон танлов ўтказишда:

- бюджет буюртмачиси томонидан ғолиб аниқланмагунча иштирокчиларнинг гаров пули Оператор томонидан блокланади. Электрон танлов ғолибининг гаров пули шартнома тузилгунга қадар блокланади;

- корпоратив миқдор томонидан, иштирокчиларнинг омонат қўйиш зарурати ва унинг миқдори корпоратив миқдор томонидан белгиланади, қўйилган депозит эса Оператор томонидан электрон танлов ғолиби билан шартнома тузилгунга қадар блокланади.

5.4 Иштирокчи томонидан таклиф қафолати миқдорини тўлаш талаб қилинмайди ва қўйидаги ҳолларда бир иш куни ичида химоя хужжати қайтарилади ёки бир кундан кейин қайтарилиш таъминланади:

- таклифнинг қафолат муддати тугаши;

- давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш;

- электрон танловни бекор қилиш;

- таклифларни юбориш муддати тугагунга қадар таклифни қайтариб олиш.

5.5 Электрон танлов натижасида шартнома тузилгандан сўнг, Оператор бир иш куни ичида гаров пулини блокировкадан чиқаради ва депозитни пудратчининг тегишли шахсий хисоб рақамига қайтаради.

Корпоратив буюртмачи томонидан ўтказилган электрон танлов иштирокчилари гаров пули қўйган тақдирда, у шартнома тузилгандан кейин бир иш куни ичида блокдан чиқарилади ва Оператор томонидан пудратчининг тегишли шахсий хисоб рақамига қайтарилади.

Электрон тандер натижаларига кўра портал, иштирокчининг аванс тўловлари суммасидан, битимнинг ҳақиқий суммасидан оператор комиссия бадали ундиради.

Иштирокчиларнинг блокланмаган маблағлари ўз номидан бошқа электрон давлат харидларида иштирок этиш учун аванс тўловлари сифатида ишлатилиши ёки

**6 Энг яхши  
таклифларни танлаб  
олиш таклифларни  
баҳолаш тартиби**

хизмат кўрсатувчи банклардаги хиобварақларига қайтарилиши мумкин.

Электрон танлов ўтказишда харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда электрон тизим иштирокчилар томонидан жойлаштирилган электрон хужжатларга кириш ва уларнинг танлов таклифларини шакллантиришни автоматик равишда таъминлайди.

Иштирокчи томонидан илова қилинган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мос келиши, электрон тизимнинг электрон майдонлари эса иштирокчи томонидан тўлдирилиш керак.

Электрон тизим иштирокчининг таклиф этаётган нархи бошланғич нархга мос келадими ёки йўқми, электрон майдонлар тўлдирилган-тўлдирилмаганлиги ва илова қилинган файллар мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх бошланғич баҳодан ошиб кетган ҳолларда, шунингдек бўш майдонлар ёки тўлиқ бўлмаган бириктирилган файллар мавжуд бўлмаганда, тизим рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда иштирокчининг танлов таклифини рад этади. Илова қилинган файллардаги маълумотларни иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

6.1 Танлов таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- танлов таклифининг танлов хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бажарилишини текшириш;

- иштирокчининг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш (агар танлов хужжатларида назарда тутилган бўлса);

- танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш;

Шу билан бирга, тизим танлов таклифининг малакавий, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни, танлов таклифининг олдинги қисмини баҳолашни умулаштиришдан олдин изчил ошкор этилишини таъминлайди.

6.2 Электрон танлов иштирокчилари тузиши керак бўлган хужжатлар рўйхати ушбу қўлланмага тегишли бўлган 1-иловада (№1.2.3.4 шакллар) келтирилган.

6.3 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов хужжатларида белгиланган (2 ва 3-жадвал) кетма-кетлик, тартиб, мезонлар асосида амалга оширилади

6.4 Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловда иштирок этишдан четлаштирилади:

- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида у ҳақда ёзув мавжуд;



- унинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги бор;
- унга нисбатан банкrottлик тартиби жорий қилинган;
- иштирокчи танлов ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
- иштирокчи давлат харидларини амалга ошириш жараёнида давлат буюртмачисининг ҳар қандай ҳаракатлари, қарорлари ёки ҳар қандай харид тартиб-тамоилларини қўллаши учун, тўғридан-тўғри ёки билвосита давлат буюртмачиси ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига иш натижаларига таъсир қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда мукофот, иш таклифи ёки бошқа қимматбаҳо нарса ёки хизматларни таклиф қилади, беради ёки беришга рози бўлса;
- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этган ёки қонунни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашуви юзага келган бўлса, шунингдек мансублик ҳолатлари аниқланса;
- иштирокчи коррупция кўринишларининг олдини олиш тўғрисида ариза тақдим этмаган бўлса;
- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;
- иштирокчилар томонидан белгиланган муддатда ҳужжатлар тўплами ўз вақтида тақдим этилмаса ёки талаб қилинадиган ҳужжатлар тўплами танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;
- танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончисизлиги аниқланган бўлса.

Иштирокчини харид қилиш тартибида иштирок этишдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ва унинг сабаблари харид тартиб-тамоиллари тўғрисидаги ҳисоботга киритилади ва улар дарҳол тегишли иштирокчига хабар қилинади.

6.5 Танлов таклифи қонун ҳужжатлари ва танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, тегишли тартибда расмийлаштирилган деб эътироф этилади. Харид комиссияси масъул котибининг, иштирокчининг танлов таклифини тегишли равишда ёки лозим даражада бажарилмаган деб эътироф этиш тўғрисидаги қарори бундай қарорнинг сабаларини асослаган ҳолда харид комиссияси томонидан тасдиқланиши керак.

Иштирокчининг танлов таклифи талабларга мос келмаслиги тўғрисидаги қарор, иштирокчининг шахсий кабинетига қарор қабул қилинган куни, бундай қарорнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади.

6.6 Танлов таклифларини баҳолашда Харид комиссияси электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг таклифлари юзасидан тушунтиришлар талаб қилиши мумкин. Ушбу процедура электрон шаклда амалга

			оширилади. Аниқлик киритиш жараёнида таклифнинг мохияти ва нархини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
		6.7	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифи берилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан ошмаслиги керак
7	<b>Электрон энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун таклиф юбориш</b>	7.1	Танловда иштирок этиш учун давлат тилида ва заруратга қараб бошқа тилларда таклиф тузилади.
		7.3	Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл шаклида жойлаштиришлари мумкин*. <u>*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлган товарларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси иштирокчилар томонидан уларни топширишнинг алохида тартибини белгилайди.</u> Шу билан бирга, иштирокчиларнинг танлов таклифлари шаблонларга мувофиқ хужжатлар илова қилинган ҳолда электрон тизимда тақдим этилади. Иштирокчи томонидан тақдим этилган маълумотлар илова қилинган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.
		7.4	Танлов таклифларни очишнинг охириги муддати тугагунга қадар, уларни электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан масъул котиб ва харид комиссияси аъзолари кўришига йўл қўйилмайди, ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи бундан мустасно. Оператор ушбу талабга риоя қилиш учун жавобгардир.
		7.5	Электрон танлов иштирокчиси: - битта лот бўйича фақат битта танлов таклифини тақдим этиш ҳуқуқига эга; - тақдим этилган маълумотларнинг ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигига жавобгар; - таклифларни тақдим этишнинг охириги муддати тугагунга қадар тақдим этилган танлов таклифини қайтариб олиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.
		7.6	Танлов хужжатларини электрон тизим орқали қабул қилиш эълонда кўрсатилган муддат ва вақт бошланиши билан тугатилади.
		7.8	Иштирокчининг техник таклифи қуйидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак: - техник таклиф ва техник тавсифларнинг қиёсий жадвали ушбу йўриқномага илова қилинган 1-илова шакли бўйича таклиф этилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича; - иштирокчининг ишончномаси ёки ишлаб чиқарувчидан рухсатнома (агар электрон танлов

иштирокчиси бўлса таклиф қилинган товарларни ишлаб чиқарувчи эмас);

- техник хужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варақлари, кўрсатмалар, қўлланма ва бошқалар ёки таклиф этилаётган хизматнинг тўлиқ ва батафсил ўз ичига олган бошқа хужжатлар).

Иштирокчининг техник таклифи қуйидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак:

- таклиф этилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича техник таклиф ва тавсифларнинг қиёсий жадвали ушбу йўриқномага илова қилинган 2 ва 3-жадвалга мувофиқ;

- иштирокчининг ишончномаси ёки ишлаб чиқарувчидан рухсатнома (агар электрон танлов иштирокчиси таклиф қилинган товарларни ишлаб чиқарувчи бўлмаса);

- техник хужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варақлари, кўрсатмалар, қўлланма ва бошқалар ёки таклиф этилаётган хизматнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар).

7.9 Иштирокчининг нарх бўйича таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.

**8 Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини бериш муддатини узайтириш**

8.1 Зарур ҳолларда буюртмачи барча иштирокчиларга таалуқли бўлган танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш ёки харид комиссиясининг қарорига биноан иштирокчиларга ўз танлов таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

8.2 Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда, танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этишнинг охириги муддати тугагунга қадар, бир иш кунидан кечиктирмай танловнинг харид хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ушбу танловда таклифларни тақдим этиш муддати танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб камида ўн иш кунига узайтирилиши керак. Бир вақтнинг ўзида, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, танлов эълонига ўзгартиришлар киритилади.

**9 Электрон Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларини сарҳисоб қилиш**

9.1 Танлов хужжатларида белгиланган шартларга қараб, электрон тизим автоматик равишда ғолибни аниқлайди. Захира пудратчини аниқлаш ушбу бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

- 9.2 Танлов куйидаги холларда хақиқий эмас деб топилади:  
- танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;  
- агар техник баҳолаш босқичида харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса.  
Бунда буюртмачи танлов ҳужжатларида, товарларга (ишларга, хизматларга) қўйиладиган мезонлар ва талабларга белгиланган шартлар асосида яна электрон танлов ўтказиши шарт.
- 9.3 Танлов таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссиясининг котиби тизимда мавжуд шаблонлардан келиб чиқиб, харид комиссияси мажлисларининг электрон баённомаларини шакллантиради ва уларни харид комиссияси аъзоларига тасдиқлаш учун юборади.  
Харид комиссияси аъзолари ўзларининг электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда йиғилишларнинг электрон баённомаларини тасдиқлайдилар. Электрон протоколдан кўчирма автоматик режимда порталда эълон қилинади.
- 9.4 Электрон танловнинг ҳар қандай иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан кейин буюртмачига танлов натижаларига аниқлик киритиш учун сўров юбориш ҳуқуқига эга.  
Буюртмачи бундай сўровни қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни ичида чат орқали танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 10.1 Танлов ғолиби тузилаётган шартноманинг умумий миқдоридан 1% миқдорида шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини тақдим этади.
- 10.2 Электрон танлов иштирокчиси танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар, икки иш кунидан кечиктирмай буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўров олинган кундан эътиборан икки иш куни ичида, агар ушбу сўров буюртмачи томонидан қабул қилинган кундан бошлаб икки иш кунидан кечиктирмай олинган бўлса, таклифларни тақдим этишнинг охириги муддати тугагунча, очиқ электрон чат орқали танлов ҳужжатлари қоидаларининг тушунтиришларини юбориши шарт. Танлов ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 10.3 Электрон танлов иштирокчиси таклифларни тақдим этишнинг охириги муддати тугагунга қадар тақдим этилган танлов таклифини чақириб олишга ёки унга

## 10 Бошқа шартлар

## Шартнома тузиш

- ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 10.4 Буюртмачи исталган вақтда ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин танловни бекор қилишга ҳақли. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида электрон тизим орқали эълон қилиши шарт.
- 11.1 Электрон танлов натижалари бўйича шартнома, танлов ҳужжатларида ва танлов ғолибининг таклифида кўрсатилган шартларда ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тузилади. Шартнома томонлар тарафидан имзоланади ва шартномалар реестрига киритилади.
- 11.2 Агар ғолиб иштирокчи шартнома тузишдан бош тортса, омонат суммаси унга қайтарилмайди. Бундай ҳолда, агар захира ғолиб иштирокчиси аниқланса, шартнома тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажариш захира ғолиби ҳуқуқига ўтади. Бунда захира ғолиби билан ғолиб томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузилади (захира ғолиби таклиф қилган нарх ғолиб таклиф қилган нархдан паст бўлган ҳоллар бундан мустасно), ёки у шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар захира ғолиби аниқланмаса ёки захира ғолиби шартнома тузишдан бош тортса, буюртмачи янги электрон танлов ўтказади.

**Энг яхши таклифларни танлаб олишда таклифларни баҳолаш кетма-кетлиги:**

Танлов таклифларини баҳолаш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- танлов таклифининг танлов хужжатларида кўрсатилган талабларга мувофиқ бажаралишини текшириш (1-жадвал);
- танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш (2-жадвал);
- танлов таклифининг нарх қисмини баҳолаш (3-жадвал);

Шу билан бирга, тизим танлов таклифининг техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларнинг танлов таклифининг олдинги қисмини баҳолашни умумлаштиришдан олдин изчил ошкор этилишини таъминлайди.

**Электрон энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш учун, иштирокчилар томонидан тайёрланадиган хужжатлар рўйхати***1-жадвал*

№	Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан тузилган хужжатлар ва маълумотлар	Эслатма	Иштирокчини четлатиш учун асослар
1	Кафолат хатини тақдим этиш, шу ҳақдаги, иштирокчи:	1-сонли шаклга мувофиқ берилади	Сотиб олиш комиссиясининг қарорига мувофиқ
1.1	- қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини; - буюртмачи билан судлашиш ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслигини; - аввал тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятлар мавжуд эмаслигини		
1.2	Иштирокчига нисбатан банкротлик тартиби жорий этилмаганлиги ҳақида		
2	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот ва сўнги 3 йилдаги шунга ўхшаш хизматлар тажрибаси ҳақида маълумот	2-сонли шаклга мувофиқ берилади	Сотиб олиш комиссиясининг қарорига мувофиқ
3	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар	Ваколатли органдан маълумотнома тақдим этилади, агар муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, иштирокчи танловда иштирок этишдан тўхтатилади	Қонуннинг 42-моддаси
4	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	3-сонли шаклга мувофиқ берилади	Қонуннинг 67-моддаси
5	Техник таклиф	4-сонли шаклга мувофиқ берилади	Харид комиссияси

### Танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш

2-жадвал

№	Техник қисмдаги критериялар номи	Қиймат тури	Мин.-Макс. балл
1	Кафолат хати / Предоставление Гарантийного письма	Текстовое значение	0 – 10
2	Техник топшириқ талабларига мос техник таклиф / Техническое предложение соответствующее техническому заданию	Текстовое значение	0 – 10
3	Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза / Заявление по недопущению коррупционных проявлений	Текстовое значение	0 – 10
4	Солиқ инспекциясидан муддати ўтган қарздорлиги йўқлиги хақида маълумотнома / Справка от налоговой инспекции о том, что участник не имеет просроченной задолженности по уплате налогов и сборов	Текстовое значение	0 – 10
5	Корхона хақида умумий маълумот ва ўхшаш хизматларни охириги 3 йилда етказиб бериш тажрибаси хақида маълумот / Общая информации о компании и информации об опыте работ аналогичных услуг за последние 3 года	Текстовое значение	0 – 10
6	Бажариладиган ишлар муддати, шартлари ва тўлов шартлари хақида маълумот / Информация об условиях и сроках поставки, условиях оплаты	Текстовое значение	0 – 10
7	Ишларни бажариш учун фойдаланиладиган пудратчининг асбоб-ускуналари ва механизмлари рўйхати / Перечень оборудования и механизмов подрядчика, используемых для производства работ	Текстовое значение	0 – 10

### Танлов таклифининг нарх қисмини баҳолаш

3-жадвал

№	Нарх қисмдаги критерия	Баҳолаш	Изоҳ
1	Энг паст нарх/қиймат энг юқори баҳо билан баҳоланади. Максимал балл кўрсаткичнинг минимал қийматига берилади / Наименьшая цена/стоимость оценивается наивысшей оценкой. Максимальный балл присваивается минимальному значению показателя.	Оценка = (Минимальное значение / Значение анализируемого критерия) * Максимальный балл. 100-балльная система оценки	

### Жами таклифларни баҳолаш

№	Критериялар	Улуши %	Изоҳ
1	Техник қисм улуши	80	
2	Нарх қисм улуши	20	

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_  
СаНа: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу билан биз \_\_\_\_\_ (компания номи) компанияси

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларга эга эмаслигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ёкм молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслиги;
- 6) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли Ф.И.Ш. ва имзоси

Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. ва имзоси

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни



## Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумотлар

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклни кўрсатган ҳолда, юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхатдан ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	<b>Таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлар</b>	<i>(тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиш зарур)</i>

Сўнги 3 йилдаги шунга ўхшаш хизматлар (товарлар, ишлар) тажрибаси ҳақида  
**маълумот**

№	Ўтказиб бериладиган молнинг номи	БУЮРТМАЧИнинг номи, унинг манзили ва боғланиш учун алоқа маълумотлари	Ўтказиб бериладиган сана	Эслатма

\_\_\_\_\_

*(ваколатли шахс имзоси)*

\_\_\_\_\_

*(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)*

**М.Ў.**

Сана: «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссиясига

**Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича  
АРИЗА**

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси  
(компаниянинг номи)

1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

2) ҳар қандай ҳаракат, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида ҳар қандай БУЮРТМАЧИ харидлари тартибини қўллаш комиссияси таъсир қилиш учун БУЮРТМАЧИНинг ҳар қандай жорий ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходими ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда, бир иш ёки ҳар қандай бошқа қимматли нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки қимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

3) рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан қизиқишлар бўйича низоларга эга эмаслигини, муассислар ва/ёки ИЖРОЧИ ичида ижрочининг танловига кўра қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган яқин қариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини;

5) нархлар ёки танлов натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини ;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқарувчининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси

Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. ва имзоси

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. ва имзоси

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ТЕХНИК ТАКЛИФ**

---

(танлаш предмети кўрсатилади)

**Хурматли хонимлар ва жаноблар!**

\_\_\_\_\_ учун харид қилиш ҳужжатларини ва \_\_\_\_-сонли мурожаатларга ёзма жавобларни (ёзма сўровлар рақамларини ва уларга жавоб мавжуд бўлса, уларга жавоблар рақамларини кўрсатиш) ўрганиб, ушбу билан уларни олганлигимизни тасдиқлаб, биз, қуйида имзолловчилар (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи), \_\_\_\_\_ (товарлар, ишлар ва хизматлар номини кўрсатиш) таклиф қиламиз.

Ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Ушбу таклифнинг қоидаларига ушбу лот учун харид қилиш ҳужжатларининг 6.5-бандига мувофиқ риоя қилишга розилик билдирамыз. Ушбу харид таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

**Шу билан бирга, биз Сизга \_\_\_\_\_ варақларда биз таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) учун техник параметрларни юборамиз\*.**

---

(ваколатли шахснинг имзоси)

---

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

Мухр ўрни

*\*Буюртмачининг техник талаблари билан таққослаш учун техник тавсифларни тақдим этиш бўйича мажбурий талаб.*